

Сийрат дарслари (81-дарс). Рукуъ ва сажда ҳаққини тўлиқ адо этинг!



15:30 / 17.04.2020 4151

351. Нуъмон ибн Муррадан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ароқхўр, ўғри ва зинокор ҳақида нима дейсизлар?»** дедилар. Бу улар ҳақида ҳукм нозил бўлишидан аввал эди. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчи», дейишди. **«Улар фаҳш ишлардир. Уларда уқубат бордир. Ўғриликнинг энг ёмони намозини ўғирлашдир»**, дедилар. «Қандай қилиб намозни ўғирлайди, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. **«Сажда ва рукуъини тугал қилмайди»**, дедилар».

Молик, Байҳақий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

352. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тунги намоз ҳақида сўради. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Тунги намоз икки ракат, икки ракатдандир. Агар бирингиз тонг отиб қолишидан қўрқса, бир ракат ўқийди, бу намозини витр (тоқ) қилиб беради»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

353. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳайз кўрувчининг намозини Аллоҳ фақат химор (Химор – аёл кишининг боши ва кўксини тўсиб турадиган рўмолга ўхшаш нарса) билан қабул қилади», дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан